

Mustahkam oila – yurt tayanchi

OILA DAVRASIDA

№ 24
(422)
2-iyul
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqq boshlagan.



«БОЛАНГИЗНИ
ТАРБИЯЛАМАНГ...»

ЎЗИНГИЗНИ ОЙНАДА
КЎРЯПСИЗМИ?

3-бет

«Сирли сандиқ»даги
**СЕХРЛИ САС
СОҲИБИ**

Маҳкумларни қандай
тарбия қилган?

4-бет



«КОММУНИЗМНИ
ИЗЛАЁТГАН»лар

ёхуд креслода
«ухлаётган»ларга
муурожаат

6-бет



«ОДАМДЕК ЯШАШНИ ИСТАЙМИЗ»

Боғишамол
аҳолисининг
фарёди



2-бет

«Оила даврасида»
газетасига

ОБУНА БЎРДОНГИЗМИ?

ШОШИЛИНГ!

2020 йилнинг 6 ойи учун
ОБУНА давом
этмоқда

Обуна
индекси – 193

uzkitob.uz



ДИЛ БИТИГИДА
ҲАЁТ ДАРСЛАРИ

Журналист ҳаммасини
ошкор қилди.

7-бет

«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel.: (+998 71) 244-19-85 (+998 71) 244-19-81

Энг сара
китоблар
ассортименти

Маҳалла ва қишлоқ номини эшитган киши ҳаммаёқ боғу бўстон бўлса керак, деб ўйлайди. Аммо 160 дан ортиқ хонадон яшайдиган ушбу қишлоқда гул тугул, ҳатто одамларнинг ичиши учун ичимлик сув етишмайди. Ичимлик сувни аҳоли Нуристон шаҳарчасидаги кўп қаватли уйлар олдидан минг машаққат билан ташиб ичади. Бунга ҳам имкони йўқлар каналдан оқиб келадиган лойқа сувни тинитиб ичишга мажбур.

БИЗ ҲАМ ОДАМЛАР ДЕК ЯШАШНИ ИСТАЙМИЗ...

Бу Қашқадарё вилояти Нишон тумани «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Богшамол қишлоғи аҳолисининг фарёди

Кўчалар чанг ва ўнқур-чўнқир. Қишлоқ аҳолисининг аламзадалик билан таъкидлашича, худуд чўл худуди бўлгани боис тез-тез кучли шамол эсиб туради ва ҳаммаёқ чанг-гўзонга айланади. Қишда эса ҳатто пидё юришнинг имкони бўлмайдиган даражада лой ва ботқоқ бўлиб қолади.

– Кўчаларимиз жуда тартибсиз, ёзда чанг, қишда лой, – дейди шу қишлоқлик Дилфуза Қудратова. – Фарзандларимиз ёғингарчилик пайтларида мактабга қатнашга қийналади. Боиси мактаб қишлоқдан 1,5-2 километр узокликда жойлашган. Энг ёмони, у ерга бориш учун қишлоқ четидан ўтган темир йўлни кесиб ўтиш керак. Темир йўл остидан ўтадиган йўл кишин-ёзин сувга тўла. Мен ҳам онаман ахир, фарзандимни эрталаб мактабга кузатиш учун темир йўлга бораман. Кечга қайтгунча ҳам хавотир билан кутиб ўтираман. Ҳар кун ахвол шу. Ушбу масала бўйича мурожаат қилмаган жойимиз қолмади.

Бу ҳам етмаганидек, қишлоққа ёндош худудда жойлашган фермер хўжалиги аъзолари қишлоқнинг марказий йўл билан боғлайдиган йўлни мунтазам равишда сув бостириб юборар экан. Биз борганимизда ҳам худди шу манзаранинг гувоҳи бўлдик.

Қишлоқда энг катта муаммолардан яна бири электр таъминоти. Қишлоққа биринчи кўчиб келган аҳоли яшаётганига қарийб 20 йилдан ошган бўлса-да, деярли бирорта ҳам мавжуд талабларга жавоб берадиган бетон устуларни учратмайсиз. Ҳамма хонадонларга қўлбола симёғочлар ўрнатилган орқали электр олиб борилган. Баъзи жойларда тортилган симлар одам қўли етадиган даражада паст ва авария ҳолатида.

– Неча йилдирки, қишлоғимизнинг электр таъминоти яхшилаш бўйича ҳаракат қиламиз, – дейди Усмон Жўраев. – Аммо ҳеч натижа йўқ. Симёғочларимиз оддий ёғочдан бўлгани учун ҳар сафар кучли шамол эсганда кўпчилиги синиб кетади. Қишлоқни ярми электрсиз қолади. Янги хўжаликларнинг кўпайиши ҳисобига электр қуввати ҳам жуда пасайиб кетган. Салкам 200 га яқин хўжаликка битта трансформатор ва битта



фидердан сим тортилган. Трансформаторга яқин жойлашган хонадонларда ҳаминқадар ток яхши. Қишлоқнинг чеккароғидаги хонадон эгалари ҳатто телевизор кўра олмайди. Бу масала бўйича туман электр тармоқлари идорасига ҳам, туман ҳокимлигига ҳам бир неча марта қилган мурожаатларимиз жавобсиз қолмоқда. Ахир биз ҳам одамлардек яшашни истаймиз.

Қишлоқ аҳолиси бугун ростдан кийин ахволда қолган. Дехқончилик учун оқар сув умуман йўқ. Ёндош худудда жойлашган фермер оқар сув қувуридан сув олишга рухсат бермайди. Натижада одамлар 30-35 метр чуқурликда ер ости қудуқлари қаздириб, минг машаққат билан сув чиқармоқда. Аммо сувни ер остидан чиқаришга мўлжалланган насослар ҳам электр токи билан ишлайди. Қўлбола симёғочлардан ўтган электр токининг қуввати эса ҳатто телевизор кўришга ҳам ярамайди.

– Биз ҳам томорқамизни гуллашиб, яшнатиб қўйишни истаймиз, – дейди шу қишлоқлик фахрий Қулмурод Вансов. – Аммо бунинг иложи йўқ. Қудуқлардан чиқаётган сув жуда шўр ва тахир. Дехқончилик учун етарли даражада яроқли эмас. Илгари каналдан қувур орқали сув келарди, лекин мана бир неча йилдирки фермер хўжаликлари ёнимиздан ўтган қувурдан сув бермайди. Қишлоқ орасидан ўтган қувурларни ҳатто қавлаб олишди. Дардингни кимга айтишни билмайсан. Томорқангни гул-



латиб қўй, яшнатиб қўй деб ҳар кун ийтишмоқда мутасаддилар, лекин бунинг учун сув керакку, наҳотки томорқага уни эк, буни эк, дея ваъхонлик қилаётганлар сув таъминоти ҳам яхшилаб беришни ўйлашмайди. Қани бизни дардимизни тинглайдиган депутатлар?

Қишлоқ оқоқоллари янги оилаларнинг кўчиб келиши ҳисобига худуд кенгаётгани боис мавжуд трансформаторнинг қуввати етмай, баъзи хонадонларда олдийгина чирок ёқиб ўтириш ҳам қийинлашиб бораётганини билдиришди. Шунингдек, муаммони ҳал этишда ёрдам сўраб бир неча бор тегишли ташкилотларга мурожаат қилинганини, аммо мутасаддилар қуруқ ваъдалар беришдан нарига ўтмаганини таъкидлашди.

Гуллаган шаҳарча ёнида жойлашганига қарамай эътибордан четда қолган бу қишлоқда газ таъминоти ҳам ниҳоятда ёмон. Табиий газ йўқлигига аллақачон кўнгиб бўлган аҳолига суюлтирилган газ баллонлари ҳам вақтида етказиб берилмас экан.

– Аёл киши учун рўзғор ишларида газ жуда ҳам муҳим, – дейди Хушвақт Раҳимқулова. – Газ баллонларимиз кейинги пайтларда икки ой деганда бир марта келмоқда. Натижада ўчоқ ёқишга мажбуримиз. Майли қишлоқ аёли бундай ҳолатга ўрганиб қолган, аммо ўтин масаласи муаммо. Қунига икки марта қора қозон қайнагандан кейин ёқилган кўп сарф бўлади, ахир.

Худудни айланарканмиз, муаммоларнинг кеча ёки бугун пайдо бўлмаганини англадик. Қимдир нотекис йўллардан қочиб темир йўлни кесиб мактабга қатнаётган фарзандидан хавотирланиб ўтиришини айтса, яна қимдир бир ойда бир марта бўлса-да халқнинг дардига қулқ тутмайдиган маҳалла раисидан норози. Ҳатто баъзи бирлари маҳалла раиси ким эканини умуман билмайди. Қишлоқдаги ушбу муаммоларга изоҳ сўраш мақсадида маҳалла раисига боғландик. Ниҳоят худуддан кетаётган чоғимиз раис ҳам топилди.

– Қишлоғимизда йўл, ичимлик сув, электр таъминоти билан боғлиқ муаммоларнинг борлиги ҳақиқат, – дейди маҳалла раиси Норқобил Нурматов. – Насиб этса ҳаммаси бўлади. Қишлоғимиз «Обод қишлоқ» дастурига киритилган ва дастурда келтирилган муаммоларнинг барчаси кўзда тутилган. Секин-секин муаммоларни бартараф этамиз.

Ҳа, барча мутасаддилар каби маҳалла раисининг ҳам «шавбатчи» жавобларидан бири, яъни «тез қунарда муаммоларни бартараф этамиз» қабилида бўлди. Лекин бу билан бирор ўзгариш бўлармикан? Туман мутасаддилари эса қандайдир муҳим тадбирда қатнашаётганини илдола қилиб, қишлоққа келолмаслигини таъкидлади.

Хўш, қишлоқ аҳолисини қийнаб келатган мазкур муаммоларни бартараф этишга мутасаддилар нега панжа ордидан қараб келмоқда? Ахир ҳукуратимиз томонидан аҳоли муаммоларини вақтида ва тезкорлик билан бартараф этиш мақсадида худудлар секторларга бўлиб берилган. Депутатлар сайланган. Ушбу қишлоқ ҳам туман прокурори секторига қарар экан. Майли, қишлоқ кўчаларини асфальт қилиб беришнинг имкони йўқдир, аммо сектор раҳбарлари кўчаларга 4-5 машина қум-шағал тўктириб беришни, қишлоқ аҳолисига оқар сув бермай йўлларга ортиқча оқизиб қўйган фермернинг танобини тортиб қўйишни ёки икки ойда ҳам етиб келмайдиган газ баллонларни алмаштириш муддатини салгина тезлаштиришни эплай олмасмиди? Ёки маҳалла раиси ўзи бош-қош бўлиб туман ҳокимлиги билан биргаликда қишлоқ аҳолиси билан келишиб, хавфли кўриниш олган ва синиб кетиш ҳолатига келиб қолган симёғочларни босқичма-босқич бетон устуларга алмаштиришга имконияти етмасмиди?

Аслида арзмаган бу муаммоларни ҳал қилишни қайсибир ҳали амалга ошиши номаълум бўлган «Обод қишлоқ» дастурига йўйиш шарт эмас. Бунинг учун озгина эътибор, бироз фидойилик, ўз ишига бўлган масъулият керак, холос. Қишлоқдаги мавжуд ҳолатни кўриб на маҳалла раисидан, на туман мутасаддиларидан ва на сектор раҳбарларидан бундай туйғу йўқлигига амин бўлдик.

Ўйлаймизки, мақоладан сўнг вилоят ва туман мутасаддилари имкониятлар кенг юртда имконсиз яшаётган ушбу қишлоқ аҳолиси ҳолидан хабар олишади. Кейинги гал қишлоқдаги ободлик ва бунёдкорлик ишларини ёритишга борамиз.

Мавзуга ҳали қайтамиз.

Ў.БОРТОВ,
Ў34



«БОЛАЛАРИНГИЗНИ ТАРБИЯЛАМАНГ

улар барибир ўзингизга ўхшашади...»

Фарзандни севиш нимадан бошланади? Фарзандни севиш, аввало, ота-онанинг ўзаро бир-бирига меҳр-муҳаббатли бўлишдан, бир-бирини ҳурмат қилиши, асраб-авайлашдан бошланади. Жумладан, отанинг фарзандини севиши жуфти ҳалолга яхши муносабатда бўлишдан, уй ишларида унга ёрдамлашиб туришдан, киприқлар кўзни чанг-ғуборлардан асрагандай, аёлини эъозлашдан бошланмоғи даркор.

Бу каби эътибор ва ғамхўрлик фарзанд дунёга келишидан аввал, она қорнида-лигидаёқ бўй кўрсатиши зарур. Негаки, хомилдор аёл баъзида инжиқлик қилиши, куннинг хоҳлаган вақтида қўнгли ниманидир тусаб қолиши, музлаткича йўқ нарсани егиси келиши, шубҳасиз. Бу нафақат, онанинг хоҳиши, балки хали туғилмаган фарзанднинг ҳам истағидир. Бунда оила бошлигининг ўз аёлига бўлган муносабати ҳам фарзандга кўрсатаётган муомаласидан дарак, аслида. Фарзанд дунёга келгач эса, эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг фарзандга таъсири янада бўй чўзади.

«Ўчириб» ташланган она...

Оиланинг асоси ота-онадир. Уларнинг оилада қандай тарбия топгани ва бир-бирига қандай муносабат кўрсатиши фарзандлар тарбиясининг муҳим омилдир. Нима учун бу фикрдаммиз? Негаки, гўдак оилада отасининг онасига бўлган меҳрини, ҳурмат-эътиборини кўрмас, онасининг отасига итоатини, ғамхўрлигини, ипюнчини сезмас, бола ҳам отасига худди онасидек муомала қиладиган, атрофидаги аёл-кизларга отаси онасига қандай муносабатда бўлса, у ҳам шу йўлдан борадиган бўлади. Бекорга «қуш уясиде кўрганини қилади», дейилмайди. Оила катталари ўзаро бир-бирига муносабатлари ортидан фарзандларига тарбия бераётганини билмай қолишди, ота-онага бўлган муносабат ҳам шу ҳолда шаклланади.

Бунга биргина мисол: бир танишимнинг айтишича, бобоси бувисига шу пайтгача доимо кўпол муомалада бўлиб келган, оиладаги муҳит шундай бўлганки, аёлининг, онанинг ўрни оила саҳифасидан буткул «ўчириб» ташланган. Ҳаттоки ҳозир ҳам оиладаги муаммоларни ҳал этишда бувисининг сўзи инобатга олинмайди, негаки, аёлининг шахсий

фикри аввалданок бўлган ва бу ҳозир фарзандларнинг онасига кўрсатаётган муомаласида ҳам кўзга ташланади. Айтишчи, бугун унинг барча фарзандлари ўз онасига совок муносабатда бўлишди ва онанинг гапини гап ўрнида билмай, бир оғиз насихатига «қўл силташ» билан жавоб қайтаришди. Лекин ота тарбия борасида каттиққўл, бир сўзли бўлган. Фарзандларнинг юриш-туриши доимо назорати остига олинган. Бироқ тарбияда қилинган энг катта хато бу – отанинг онага қилган адолатсизлиги, оилада аёлининг кадр-қиммати ўз ўрнига қўйилмаганида.

Тўғри, аёл оилада эркакдан бир поғона куйида туриши айтилади, бироқ бу дегани аёлининг қадри оёқости қилиниши керак дегани эмас-ку! Энг ачинарлиси, отанинг ўзи аёлининг қадрини топгани етмагандай, турли иддаоларни шак-шубҳасиз фарзандлари онгига ҳам сингдириши ва уларнинг кўз ўнгига ҳам жуфтини изза қилиши аёл аталмиш муқаддас зотнинг номига доғ тушириш эмасми? Ахир, эркак «қўча одами» бўлса, уйда фарзанд онадан тарбия олмайдими? Аёл қадри топталган оилада фарзанд онасининг сўзига қиради, у берган тарбияга муносиб бўлади, деб ким қафолат беради?! Ҳеч ким...

«Биринчилик» сари олға

«Минг марта эшитгандан бир марта-ба кўрган афзал», дейишди халқимиз, – дейди психолог Дилдора Раҳимова. – Фарзанд тарбиялаётган ота-оналарнинг шу жиҳатга аҳамият беришлари мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби, инсон маълумотларнинг саксон фоизини кўриш орқали қабул қилади. Шу боис, унинг кўрганлари эшитганларига нисбатан яхши таъсир қилади ва эсда сақланиб қолади.

Мулоҳазали ота-она фарзанд олдидан ўзаро тортишмайди, оила сирларини

муҳокама қилмайди. Фарзанд кўз ўнгига ота оила бошлиғи, аёл эса уй бекаси сифатида намоён бўлади. Шунга аҳамият қаратиш жоизки, аёл ҳукмрон бўлган, отанинг ўрни сезилмаган оилада улғайган ўғил-қизларнинг тарбиясида бир қатор нуқсонлар кўзга ташланади. Яъни ўғил болалар оила курғач, ё оиладаги бошқарув жловини аёлига топширади ёки аёлларга нисбатан бўлган нафрат туйғуси билан умрини ўткази.

Бундай муҳитда ўсган кизлар эса оила курғач, лидерликка интилишади ва ҳар иккала ҳолатда ҳам оилаларнинг парокандаликка юз тутиши катта эҳтимол билан содир бўлади. Шунини унутманг, ўғил бола аёлларга онасидан келиб чиқиб муносабатда бўлади, ҳаётдаги дастлабки қаҳрамон эса унинг отаси бўлади. Қизлар эса юриш-туришдан тортиб онасига тақлид қилса, бўлажак умр йўлдошини танлашда онгли-онгсиз равишда отасидаги жиҳатларга аҳамият қаратади.

Дарҳақиқат, ҳеч эътибор берганмисиз, оилада «юқори поғона»ни эгаллаб олган аёлларнинг кизлари ҳам янги

Ота-она фарзандга тутилган кўзгудир, уларга қараб ўзларини тузатишади ёки аксинча.

оилага келин бўлганиданок «биринчилик» сари олға интилади. У оилада эркак кишининг ўрни каердаю аёлининг вазифаси қанақа экани, эр-хотин ўртасидаги муносабатлар қандай бўлиши кераклигини билмайди. Ота уйдаги тарбия шунақа бўлган ва кейинчалик ҳам кўрганини қилишга тиришади. Натижада, куёв бола ўзининг отасидек «мўмин-қобил» бўлса, хўп-хўп, агар «биринчиликни бермайман», деб қурашса, жанжал устига жанжал бўлиши муқаррар. Охири пайтларда оилавий ажрашишлар кўпаётганининг сабабларидан бири ҳам шу, аслида. Бугун оналар «шунчаки» ўзининг акси кизларига ўтиб қолганини сезишмаяпти ёки афсуски, уларга ўзлари айнан шундай тарбия беришмоқда.

«Болаларингизни тарбияламанг, улар барибир ўзингизга ўхшашади. Шунинг учун ўзингизни тарбияланг», деган экан донишмандлардан бири. Ота-она

фарзандга тутилган кўзгудир, уларга қараб ўзларини тузатишади, ёки аксинча. Фарзандга оила ҳақидаги илк тасаввур, ота-оналик макоми, эр-хотин муносабатлари, фарзандлар тарбияси каби бир қанча омиллар айнан оила остонасидан, ота-онасининг ҳатти-ҳаракатлари орқали англашилади. дастлабки тасаввур ҳаёт тарзида бирламчи роль ўйнайди. Ота-она ўртасидаги ўзаро муҳаббат, ишонч,

хамкорлик ва ҳамфикрлик, иззат-иқром, муносабатлар самимийлиги — оила мустақамлигини таъминлаш учун заминдир, фарзанд учун намуна мактабидир.

Жадидчиликнинг улкан намоёнлари Абдурауф Фитрат айтганларидек: «Эр-хотин мушкулотдан иборат бўлган ҳаёт сафариде бирга бўлиб, жисмоний ва руҳий осойишталикка шерик, инсоний вазифаларни бажаришда дастёр, қайғу ва умидсизлик дамларида ғамхўр, саодат ва бахтиёрлик чоғида бир-бирларига ҳамдам бўлишлари лозим». Дарҳақиқат, ўғил-қиз тарбиясига шай ота-она бутун умри давомида ҳаммаслақ, ҳамфикр, ўзаро бир-бирига меҳр-муҳаббатли бўлишлари керакки, токи фарзандлари ҳам бундан ўртак олсин. Қун келиб кўзга каби тутилган тарбиянинг меваси тоғли бўлсин, роҳатидан дил яйрасин.

Маҳфуза ПЎЛАТОВА,
«Оила даврасида» муҳбири

ОТА-ОНА МАСЪУЛИЯТИ

Ота-онанинг фарзандлар олдидеги энг асосий вазифаси нима деб ҳисоблайсиз?

Ўтган йили «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази олимлари шу мавзуда сўровлар ўтказган эди. Ҳўш, натижаси қандай бўлди? Сўровномада асосан, аҳолининг зиёли қатлами – 527 нафар профессор-ўқитувчи иштирок этишган. Уларга берилган саволлар ёрдамида оилавий муносабатлардаги муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда назарий-амалий кўмак бериш назарда тутилган.

Сўровнома иштирокчилари фарзандларга ўртак бўлиш учун ота-оналар, аввало, куйидагиларга эътибор қаратиши мумкин, деб ҳисоблашган:

- Фарзанднинг маънавий-ахлоқий тарбияси — 95 фоиз.
- Болани шахс сифатида шакллантириш — 93 фоиз.
- Болани ижтимоийлашувига ёрдам бериш — 87 фоиз.
- Фарзандлар учун ўртак бўлиш — 83 фоиз.
- Боланинг қарорини ҳурмат қилиш — 77 фоиз.
- Болаларда оптимизмни тарбиялаш — 67 фоиз.
- Болалар учун оилада руҳий комфорт муҳит яратиш — 67 фоиз.
- Болаларга китоб мутолаасини ўргатиш — 65 фоиз.
- Болаларни зарарли одат, маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш — 59 фоиз.
- Бола билан дўстлашниш — 55 фоиз.

Кўриб турганимиздек, ҳар бир ота-она, аввало, фарзандининг маънавий-ахлоқий тарбияси учун масъулдир. Бу масъулиятни елкадан соқит қилиб, ўз қилмиши учун бошқаларни айбдор санашнинг ҳождати йўқ. Шунингдек, болага ишонч билдириш, айрим ишларда унга дала бўлиб туриш, кези келганда, зарари тегмайди даражадаги кичик хатоларни қилиб туришига қўйиб бериш ҳам мумкин. Фарзанд ота-онанинг бу каби талбири воситасида ҳаётда ўзи қилган баъзи бир ноқўя ишдан тўғри хулоса чиқариши ҳам ўрганиши керак.

Ота-оналик фарзандни мустақил ва эркин инсон бўлишга тайёрлайди.

«СИРЛИ САНДИҚ»ДАГИ СЕҲРЛИ САС

Бу овоз ҳали-ҳамон кўпчиликнинг қулоғида жаранглаб туради



Хоразм ўз бағрида буюк илм-фан намояндалари, давлат арбоблари, адабиёт ва санъат вакилларини камолга етказган қадимий ва навқирон диёрдир. Бу замин азалдан санъат бешиги, санъаткорлар юрти экани дунёга маълум.

Воҳа санъатининг тури кўп, бироқ биз ҳозир сўз санъати ва бу санъатнинг иқтидорли вакили – таниқли журналист, воиз, суҳандон ва бадий сўз устаси Раҳимбой Жуманиёзов ижодий фаолияти ҳақида муҳтасаргина сўз юритмоқчимиз.

Бу серкира ижодкорни нафақат республикада, балки кўшни юртларда ҳам танишадди, десак муболага бўлмайди. Айниқса, ёши улугроқ теле-томошабинлар уни «Алифбо сабоқлари», «Сирли сандиқ», ёши кичикроқлар эса «Иқтидор» кўрсатуви орқали жуда яхши билишадди, муаллифининг исми шарифи ҳаёдан фаромуш бўлганларга ўз даврида машҳур бўлган ушбу кўрсатувлар номини эслатиш кифоя, ўша сеҳрли овозни дарров фаҳмлаб олишадди.

Мен бир пайтлар бу йигит тўғрисида оркаваротдан хўп мароқли гаплар эшитиб, ижодий фаолиятига, айниқса, оташнафас санъаткор Комилжон Отаниёзовга бағишланган ажойиб китобчасига хурматим ошиб юрадиму, лекин ўзи билан учрашиб, бевосита суҳбатлашиш насиб этмаган эди. Икки мингитни йилларда Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасининг «Вакт-Время» газетасида ишларканман, кунлардан бир кун юракнинг мазаси қочиб, госпиталда даволаниб чиқишга тўғри келди. Ярим ойлардан сўнг хизматга қайтсам, тахририятга янги ходимлар қабул қилинибди. Булар Раҳимбой Жуманиёзов ҳамда бир неча ёшлар эди. Бундан астойдил хурсанд бўлдим, чунки Раҳимбойдек тажрибали ва билимдон ижодкор ҳар қандай тахририят учун қимматли хазина эди.

Маълумки, тарбиявий ишнинг осони йўқ, лекин жазони

ижро этиш жойларидаги шахсининг ахлоқий-маънавий, руҳий тарбияси энг мураккаб тарбия туридир. Чунки у инсоннинг онги, руҳияти, дунёқараши билан боғлиқ бўлиб, маҳкумда узок йиллар давомида нотўғри шаклланиб улгурган салбий урф-одатлар йиғиндиси ҳамда ички талаб-эҳтиёжни ижобий томонга буриш, янги ўзганга солишни, бир сўз билан айтганда, қайта тарбиялашни тақозо этади. Бу эса бир ҳафталик машғулот эмас, балки ушбу соҳада узок йиллар давомида тўпланган тажриба ва самарали усуллардан фойдаланган ҳолда сабр-тоқат ва кунт билан амалга ошириладиган сермашаққат ишдир. Бу ишни амалга оширишда бизнинг газетамиз Жазони ижро этиш бош бошқармаси муассасалари ходимларига яқиндан камарбаста бўлиб, умумтарбия ишига маънавий-ахлоқий тарбияга оид чуқур мазмунли мақолалар, дидактик хикоятлар, хикматлар, гўзал шеърлар, газаллар, бир сўз билан айтганда, одоб илми билан муносиб ҳисса қўшарди.

Бироқ мутахассис кадрлар етишмаслиги тахририят олдидаги жиддий муаммо эди. Русийзабон бош муҳаррирнинг кўп йиллик тажрибаси ҳамда ижодкорлиги туфайли газета рус тилидаги материалларга бир қадар бой бўлсада, миллий тили мутахассислар бўлмагани учун бу борада анча орқада эди. Раҳимбой Жуманиёзов, у кишининг шогирдларидан Бекзод Ҳакимов, Нозима, Дилноза

каби ёшлар келиши билан аста-секин бу ҳолат ўзгара бориб, ўзбек тилида ҳам чуқур мазмунли мақола ва бадий ижод намуналари берилди бошлади.

Раҳимбой Жуманиёзов ўзбек мумтоз адабиётининг рубоий жанридаги гўзал шеърлар таҳлилига бағишланган «Тўрт устун ҳикматлари» рўкнини тайёрлаш ва ўқувчига содда тилда талқин этиш масъулиятини ўз зиммасига олди ва бир неча йил давомида бу вазифани сидқидилдан адо этди. Натижада газетхонлар Абу Абдуллох Рудакий, Паҳлавон Маҳмуд, Умар Ҳайём, Жалолиддин Румий, Навоий, Бедил сингари машҳур алломалар ижодининг гултожи ҳисобланмиш гўзал рубоийлари сатрларига яширинган маънолар хазинасидан баҳраманд бўлдилар.

Раҳимбой ўткир мавзудаги публицистик мақолалари билан ҳам кўпчиликка яхши таниш. Газетада ишлаган пайтида махсус муҳбир сифатида турли вилоятлардан қизиқарли репортажлар ёзиб келарди. Баъзан эса иккала миз Тошкент вилоятидаги муассасаларга бориб, маҳкумлар ҳаётидан ахлоқий-тарбиявий мазмунда мақолалар тайёрлардик. Олмалик, Товоқсой, Зангиота, Назарбекдаги жазони ижро этиш муассасаларидан тайёрлаган долзарб мақолаларимизга кўпчилик маҳкумлар хат ёзиб муносабатлар билдиришгани эсимда.

Маълумки, маҳкум – ярим-кўнгил киши, шу ярмини ҳам доим очавермайди, унинг кўнглига йўл топиш суҳбатдошдан улкан маҳорат ва тажриба талаб қилади. Раҳимбой ўзининг ажойиб суҳбатдошлиги, сўз бойлигининг дарёлиги, киши кўнглини чуқур ҳис қила



олиши, ҳар бир каломини аниқ мақсадга йўналтириш маҳоратига эғалиги сингари ажойиб фазилатлари туфайли бундай ишларга осонлик билан эришар ва «Йилдирим» тахаллуси остида инсон қалбининг энг нозик нуқталарига етиб боровчи таҳлилий-тарбиявий суҳбатлар тайёрларди. Таъкидлаш лозимки, ҳақиқатан ҳам, бу адабий тахаллус унинг сергайрат, завқ-шавқли, шижоатли, кувноқ, мустақил, баъзан андак кизикқон, темирни иссиғида босишни кўзловчи табиатига жуда ҳамоҳанг.

Ўрни келганида яна шуни айтиб ўтишни истардимки, русларнинг «человек с юмором» деган ибораси ҳам Раҳимбойга тўла мос бўлиб, у табиатан ҳазил-мутойибага мойил, таъдор гаплар остида бекиниб келгани боис коса тагидаги ним косани бирдангина англаш осон бўлавермайди. Шунинг билан бирга, ўта хозиржавобки, сўзларни кофиялаб қўллашни эшитиб, бу кишининг тоққирлиги билан сўз бойлигига ҳар қандай сўз-мол ҳам тан бермай иложи йўқ.

Раҳимбой дўстимиз чуқур мушоҳада соҳиби бўлгани сингари жуда зийрак қузатувчи ҳамдир. Баъзан унинг айрим дўст-биродарлар табиатига хос қилин-ў фазилатларига қилган тақлидини кўриб, бениҳоя ўх-шашлигини ёқа тутганимизни билмай қолардик...

Мен бу ўринда Раҳимбой Жуманиёзовнинг суҳандонлиги, бошловчилик маҳорати, воизлиги, нуқтадон олимлиги-ю моҳир хатотлиги, продюссерлиги-ю кичик роллар ижрочиси каби қатор ажойиб сифатларини санаб ўтирмадим. Менимча, шу айтилган фазилатларининг ўзи ҳам оламчадир. Лекин қахрамоннинг бу эришган ва эришаётган ютуқлари билан, Раҳимбойчасига айтганда, қаноатланадиган эмас, қаноатланадиган ижодкорлар тоифасидан бўлмагани сабаб, доим ижодда, доим изланишда.

Тақдир тақозоси билан шу пайтгача Раҳимбойнинг таваллуд қилина иштирок этиш насиб этмади, сабаби каминга ҳам 1 июль санасида дунёга келганмиз. Юртга келган синов боис Раҳимбой Жуманиёзовни бу йилги юбилеи – 60 ёшга тўлиши муносабати билан «Вакт»чилар номидан табрикни мана шу мақола орқали изхор этишга қарор қилдик. Серкира истеъдод соҳибини самимий муборакбод этамиз ва унга мустақкам сийхат-саломатлик, ижодий баркамоллик, оилавий бахт-саодат ва тотувлик тилаб қоламиз.

Карим ҚўҶҚОР

Раҳимбой Жуманиёзов ўзбек мумтоз адабиётининг рубоий жанридаги гўзал шеърлар таҳлилига бағишланган «Тўрт устун ҳикматлари» рўкнини тайёрлаш ва ўқувчига содда тилда талқин этиш масъулиятини ўз зиммасига олди ва бир неча йил давомида бу вазифани сидқидилдан адо этди.

ТУЙҒУ



Ниҳоят, ўқишга кирдим. Нақадар бахтлиман. Онамининг орзулари рўёбга чиқди. Туну кун ўқиб, изланганим ўз йўлига, аммо элнинг дуоси барибир ижобат бўлишини англаб етдим.

Қаерда юрсам ҳам доимо юмушлар қуршовида қолардим. Оғир сумка кўтарган онахонлар, катта йўлдан ўтолмай термулиб турган болалар, машинаси ўт олмай ўчиб қолган ҳайдовчи акалар... ҳамма – ҳаммаси. Уларга кўмаклашгач, менга қараб:

– Келажакдаги энг катта орзуинг нима? – дерди.

Мен эса битта сўзни айттардим... «Ўқишга кириш!» Тамом. Сабаби, уйимизда онам ўқишим учун қўлидан келганича шароитлар яратиб берди.

ОНАМ

Оғир ишлар қилдирмади. Доимо асраб-авайлади.

Ёшлигимда «сарик касали»га чалинганман. Бу ҳам етмаганидек сал ўтмай қайталаган. Ҳадеб ўзгариш бўлавермагач, шифокорлар шундай дейишган:

– Шу уч кун ичида ўзига келмаса, саклаб қолаётимиз...

Бу сўзларни эшитган онамининг ахво-



лини тасаввур қилаверинг. Бир ҳафта туни билан мижжа қокмай чиққан аёлга... уч кун, бор-йўғи деймизу, муддатнинг ҳар бир сонияси гўё асрдек туюлганга аминман.

Йиллар ўтди. Улғайдим. Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан бугун талабаман. Волидамнинг:

– Қўлингдан келганича, эзгулик қил! – деган сўзлари қулоғим остида жаранглаб турибди. Тошкентга келиб, энг кўп ўйлаган инсоним онам бўлди.

Йилда бир марта онасининг ҳолидан хабар олмайдиганларни тасаввур этолмайман!

Аброр ПАЯНОВ,
ЎзЖОКУ талабаси

СИРДАРЁ-СЎХ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ

жамоаси



Барча оммавий ахборот воситалари ходимларини, фидойи журналистларни касб байрами – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий муборакбод этади!



*Мамлакатимиз ёшларини эса
30 июнь – Ёшлар куни билан
қутлайди! Ватанимиз,
эсамиятимизнинг ҳал қилувчи кучи
бўлган ёшларимиз ҳамisha
халқимизнинг юксак ишончига
муносиб бўлишига ишонамиз!*

**Юртимизда байрамлар
байрамларга уланаверсин!**

«Яқинда марказий телеканаллардан бирида «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижросига бағишланган кўрсатув намойиш қилинди. Тошкентдаги Халқаро пресс-клубдан тўғридан-тўғри эфирга узатилган ушбу кўрсатув баҳс-мунозараларга жуда бой тарзда кечди. Унда мазкур қонун ижросига масъул бўлган мутасаддилар, тилшунос олимлар, ижодкорлар, журналист ва блогерлар қатнашгани билан эътиборни ўзига жалб қилди.

тўқиб, «Коммунизм ўша ёқда!» дегандек қўлини чўзиб турди. Бекатлардаги айрим автобуслар ўша маъҳум ва сароб коммуна ва коммунизмни излаётганмикан, деган ҳаёлга борасан киши.

– Кўча-кўйдаги ёзувлар тўғрилигини назорат қиладиган идора ва ташкилотлар борми ўзи? – дейди ўқитувчи С.Полвонбоева. – Болалар шу ёзувдан андоза олмайди,

«КОММУНИЗМ ИЗЛАЁТГАН»ЛАР

Афсуски, кўрсатув тугагунга қадар жонли эфирни англиш мақсадида «Live» ёзуви экранда тиркалиб турди. Одамлар кўйиб-пишиб она тилимиз ривожига ҳақида фикр билдиришти, экранда эса хорижий матн, ажабланирли-да, албатта!

Икки соатдан ортиқ вақтни қамраб олган кўрсатув давомида мамлакатимизда «Давлат тили ҳақида»ги қонун ижроси сустилиги, унга нисбатан раҳбарларнинг эътиборсизлиги анча кенг муҳокама қилиниб, кескин танқидий фикрлар ўртага ташланди. Ҳатто, танқидий олимлардан бири айрим ташкилот ва муассасаларда ўзбек тилига беписандлик билан муносабатда бўлинадиганини куюниб гапираркан, бунга асосан ҳукумат сабабчи эканини илҳом қилди. Унинг фикрига кўра, ҳукумат агар ўзи истаса, «Давлат тили ҳақида»ги қонун талабларини бузган шахсларга тегишли жазо белгилашнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиққан бўлар эди. Аслида, бу борда ҳафсаласизлик қилинаётгани учун ҳам айрим раҳбарлар давлат тилига нисбатан ҳурмат ва эътиромни ҳис қилмайдилар, идора ва ташкилотларда рус тилида иш юритаверадилар, деган фикрлар ҳам айтилди.

Кўзга кўринган адабиётшунослардан бири эса Ўзбекистонда қонунлар аввал рус тилида ёзилиб, кейин ўзбек тилига таржима қилинишини ҳам таъкидлаб ўтди. Бу қанчалик тўғри ёки нотўғри экани бизга қоронғу. Бироқ Ўзбекистонда давлат тилига эътибор ҳали-ҳануз кўнгилгадигай эмаслиги барчага бирдек аён.

Қишлоқдаги хитойча эълон

Кўча-кўйда одимлар экансиз, беихтиёр ҳамма ёқ русча, инглизча ёзувлар билан қўлиб кетганига гувоҳ бўласиз. Ҳаттоки, баъзи жойларда корейсча ва хитойча иероглифлар ҳам учрайди. Бундай манзараларни кўриб киши ўзини бегона мамлакат кўчаларига тушиб қолгандек ҳис қилиши, шубҳасиз.

Афсуски, нафакат шаҳарларда, балки оқс қишлоқ ва овулларда ҳам реклама, эълон ва бошқа қайдномалар рус ва инглиз тилида ёзилмоқда. Бу нима, билангилгани кўз-кўз қилишимиз ёхуд ўзини дунё кўрсатган одамлар сирасида танитишимиз? Ўзбек тилида ёзилганлари эса имло ҳатолари билан тўлиб-тошганидан хафа бўлиб кетасиз. Саводхонлигинг бир нави экан, нима қиласан хайхотдай кўчага ёзув илиб, деб хитоб қилгинг келади.

Марказий кўчалару биноларни айтмасан ҳам бўлади. Фақат рус ва инглиз тилидаги ёзувларга кўзингиз тушади. Кўчалардаги бинолар тепасида қатта қилиб осиб қўйилган «Hotel», «Welcome», «Мы открылись», «Аптека» каби ёзувларга аллақачон кўпларнинг кўзи ўрганиб бўлди. Энди савод чиқараётган



Болалар шу ёзувдан андоза олмайди, деб ҳеч ким қафолат беролмайди. Иншо ва диктантларда ўша кўзига сингиб қолган ёзувдаги сўзларни ишлатишади. «Хато ёзибсан», десанг, «Устоз, сиз янглишяпсиз. Ахир бу ёзув кўчадаги фалон жойда шундай битилган», дейди.



болалар бу сўзларни ўзбекча деб ўйласа ҳам ажаб эмас.

Баъзан бозорлардаги бекатларга борсангиз, қайси замонда яшаётганингизни ҳам унутиб қўйишингиз мумкин. Шаҳар ичидаги ва шаҳарлараро автобусларнинг йўналишларини кўрсатиб туривчи ёзувларда собиқ иттифок давридаги ҳудудлар номи акс этиб турибди. «Коммуна», «1 май», «Охунбобоев», «Спутник», «Райцентр», «Водник» каби номлар янгисига алмаштирилганига салкам ўттиз йил бўляпти. Бироқ автобусларда ханузгача ўша эски номларга «садоқат» сақланиб қолаётгани негадир ҳеч кимни безовта қилмайди.

Коммунистлар «дахоси» Ленин ҳайкаллари 70 йил мобайнида майдошларда қўр

деб ҳеч ким қафолат беролмайди. Ўқиш-ёзишни ўрганаётган бола борки кўчадаги ёзувларни хижжалаб ўқишга қанчалик қизиқиши ҳаммага маълум. Иншо ва диктантларда ўша кўзига сингиб қолган ёзувдаги сўзларни ишлатишади. «Хато ёзибсан», десанг, «Устоз, сиз янглишяпсиз. Ахир бу ёзув кўчадаги фалон жойда шундай битилган», дейди.

Баъзи-баъзида дехқон бозорлари, савдо марказларини айланиш одатим бор. Бу ерларда савдо шохобчалари ўз маҳсулотлари номини ҳар доим русча ва инглизча ёзиб қўйганига гувоҳ бўламан. Олис туман бозорларида чет тилида реклама ва эълонлар ёзишнинг нима ҳожати бор экан, ҳайронман?!

Креслода «ухлаётган»лар

Уш, бу ёзувлар тўғрилигига ким масъул? «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасими? Ёхуд Маънавият ва маърифат маркази? Балки тегишли ҳокимликлардир?... Хуллас, бу ёзувларнинг «эгаси» йўқлиги аниқ.

Аслида қайси идора ёки ташкилот масъул бўлган тақдирда ҳам биринчи навбатда бу ёзувларни битиб, халқнинг кўз ўнгига осиб қўяётганлар, шунингдек, ўша идора ва ташкилотларда фаолият юритаётган ахборот хизмати масъуллари ўзларини мана шунга асосий айбдор ҳис этишлари керак эмасми? Аксарият ташкилотларда ахборот хизматлари масъуллари ўзи фаолият юритаётган идора ва ташкилот раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўрибосари макомига ҳам эга. **Агар қўнгида миллатимиз ва она тилимизга қўлаверса, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунига нисбатан заррача ҳурмат ва эътиромни бўлса, ахборот хизмати мутахассиси бўлиб ишлаётган журналист ўзи ишлаётган ҳудуддаги нуқсонларни қимдир олманвий ахборот вестигаларида кўтариб чиқишини қўтмасдан аввал бартараф қилишга ҳаракат қилиши шарт.** Ахир

она тилимиз бузилишига қарши энг кўп жон куйдирувчи шахс бу – журналист эмасми? У шу тилда ёзади, шу тилда халқимизга ахборот ташийди. Қозонини қайнатаётган тилга нисбатан эътиборсизлик ва беписандлик билан муносабатда бўлган ҳолатларга лоқайд бўлишга ҳеч бир журналистнинг ҳаққи йўқ. Ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимининг ахборот хизматида фаолият юритиб, юмшоқ креслода уззу-кун интернет «титиб» ўтиргандан кўра, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда жиллақурса, ҳафтада бир мартагина «Давлат тили ҳақида»ги қонун ижросига бағишланган амалий ишларга қўл урса, нур устига нур бўлармиди.

Айрим туманларда шундоқ ҳокимлик биноси рўнараси ёки унга ёндош бинолар тепасига чет тилларда қатта-қатта ёзувлар осиглиқ тургани сир эмас. Ахборот хизмати ходимлари бундай ёзувларни ҳар куни кўришади. Наҳотки, шу ёзувни осиб қўйган одам билан учрашиб, ҳамиятини, гурурини уйғотиб қўйиш шунчалик қийин бўлса?!

Эҳ... нималар деяпман, ахир бундай фидойи бўлиш учун инсон, аввало, ўз миллатини севиши, унинг қалби гурурга тўла бўлиши керак-ку...

Дарвоқе, бугунги кунда Ўзбекистонда ахборот хизмати ходимларига кам ойлик маоши белгиланганидан шикоят қилувчилар кўнаиб борапти. Мени маъзур тутишин, «фалон талбир бўлиб ўтди, пистончи у деди, пистончи бу деди», қабилидаги бир хил қилишдаги хабарларни ижтимоий тармоқларга жойлашдан бошқа юмуши бўлмаган айрим ахборот хизмати ходимлари учун отнинг қалласидай маош тўлашнинг ўзи ҳам ачинарли, ҳам қулғили эмасми? Сиз ўзи арзимаган, керак бўлса, қўл учиди бажараётган ишларингиз учун қатта ҳақ талаб қилишдан озгина бўлса-да ийманмайсизми? Агар ташаббускор ва фидойилик билан ишлаётганингизда эли, мен сиздан тавзим қилиб кечирим сўрайман. Ҳозирча... ҳамма жойда давлат тилига оид қонун талаблари қўпол тарзда бузилапти. Бунга эса сиз ҳамон лоқайд қараб ўтирибсиз. Нонингизни ҳалоллаб енг, қадри ҳамкасб!

Биз келажак ёшларники экани ҳақида кўп гапирмаж. Аммо эртанги кунимиз эгаларининг саводли, ўз она тилимизга ҳурмат ва муҳаббати баланд инсонлар бўлиб қамолга етиши ўзимизга боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур.

Эрпўлат БАХТ

Ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимининг ахборот хизматида фаолият юритиб, юмшоқ креслода уззу-кун интернет «титиб» ўтиргандан кўра тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда жиллақурса, ҳафтада бир мартагина «Давлат тили ҳақида»ги қонун ижросига бағишланган амалий ишларга қўл урса, нур устига нур бўлармиди.

КЎНГИЛ БИТИКЛАРИДА ҲАЁТ ДАРСИ

«Одатда, кундалик дафтардаги битиклар ҳаммага ҳам ошкор этилавермайди. Лекин шундай ёруғ, ўлмас хотиралар ҳам борки, уларни эл-улус билан баҳам кўрсангиз, қалбингиз таскин топади, кўнгил хотиржам бўлади...»

Таниқли журналист ва шоир, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Норқобил Жалил кундалик дафтаридagi «ёруғ, ўлмас хотираларни эл-улус билан баҳам» кўрди. Йиллар давомида коралаб юрган кундалигининг энг сара, таъсирчан саҳифалари жамланиб, «Кўнгилдан кўчирмалар» номи остида салмоқли китоб бўлиб нашр этилди.

«Хотира-ёдноmalar дарёсига фарқ бўлишининг ўзига хос сеҳри, шукухи бўлади – муаллифни изтиробга солган армонлар, таассуфлар ўқувчи кўнглига кўчиб ўтади...» деб ёзди китоб сўзбошисига таниқли ёзувчи, журналист ва олим Хуршид Дўстмухаммад. Китобни varaқлаб бу гапларнинг нечоғлик ҳақиқат эканига гувоҳ бўласиз. Китобдан муаллифнинг ўттиз йилдан ортиқ вақт давомидаги кўрган-кечирганлари: бошдан ўтказган аламли ва қувончли кунлари, ўзи шохид бўлган таъсирли воқeалар, учрашган инсонлари, устозлари, замондошлари ҳақидаги қайларидан ўрин олган.

Айниқса, муаллифнинг узоқ йиллик журналистик фаолияти мобайнида гоҳ касб тақозоси билан, баъзан ўзининг кизиқувчан-одамшавандалиги юзасидан, дам шоиртабиатлиги туфайли қанчадан-қанча

инсонлар ҳақида ёзганлари ўқувчи қалбига албатта из қолдиради. Муаллиф ҳар бир инсонни шунчаки таъриф-таъсиф қилиб ўтмайди. Уларнинг ҳар биридан ўзи учун бир дарс – маънавий сабоқ олади. Бу сабоқларда нафақат муаллиф, балки китобни ўқиган ҳар бир инсон учун ҳаётий хулосалар бор.

Бир қарашда китобда қаламга олинган хотиралар ҳамманинг ҳаётида учраши мумкин бўлган одатий ҳолисаларга ўхшайди. Аммо бу

диган мардум ҳар қадамда дуч келавермайди. Муаллиф бундан моҳирона фойдаланган. Маънавияти бой, иши ва амали бир ҳазрати инсонни оммага таништиришни истаган ва мақсадига етган.

Китоб шу турда ёзилган бошқа хотира-асарлардан анча фарқ қилади. Унда фақатгина кундаликдаги битиклар эмас, кези келганда шу битикларнинг юзага келишига сабаб бўлган ҳолатлар, улар билан боғлиқ ижод намуналари: суҳбатлар, эсселар, мақолалар ҳам



совчи келган ота кизининг бу борадаги раъйини у билан очик-ошкор муҳокама қилмайди. Лекин кизининг муносабатини билмаслик, ота-онанинг ўзича йўл тутиши ҳам баъзида кизининг ҳуқуқини поймол қилиши мумкин. Бундай пайтларда кизининг кўнглига кўл солиб кўрадиган асосий инсон – онага эса, киз учун ҳамишаги эркаликларига ниспон бўладиган бир инсон сифатида қаралади. Қиз бу масалада ҳам онасига эркалик қилиб, унинг раъйини қайтариши турган гап. Отанинг эса, йўриғи бошқа. Шу кезде ота ўзига хос миллийгимиз, ота ва фарзанд орасидаги андишани маҳкам тутганча янгича йўл тутди: кизига телефон-хат жўнатади. Бу билан киз отанинг олдида нозик мавзуда суҳбатлашиб, ноқулай ҳолатга тушиб қолишдан сақланади. Бу ҳам оиладаги миллий тутумларни тартибга солишда замонавий ускуналардан ижодий фойдаланишнинг бир йўли-да.

Ёсдаликларда Омон Матжон, Аҳмад Аъзам, Матназар Абдулҳаким, Тоғай Мурод, Шавкат Раҳмон, Мухаммад Юсуф, Мирзо Кенжабек каби ижодкорлар, уларнинг ижодий лабораторияси, ҳаётларида кечган, хали кўпчиликка маълум бўлмаган айрим воқеа-ҳодисаларнинг ҳам муаллиф иштироки билан боғлиқ бир қанча жихатлари келтириб ўтилган. Эл суйган, машхур инсонларнинг ҳаётидаги асл инсоний қиёфасини кўрсатувчи бири-биридан муҳим гурунлар, хотиралар ёзиб олинган. Булар ўқувчи ўша машхур инсонлар ҳақидаги биографик маълумотларни янада бойитишга аскадаги.

Тугилиш – фаолият – ўлим. Китобдаги барча хотираларни бир жойга жамлаб, ўзаро боғлаб турган ип муаллиф воқеаларни ана шу уч нукта атрофида жамлагани бўлса керак. Тўғри, китобда келтирилган хотиралар айрим хронологик изоҳларни истисно этганда бирон шаклда таснифланмаган. Китобда қаламга олинган ёдноmalarнинг асосида ётувчи гоҳ ҳам шундайлар балки.

Муаллиф «Галабалар шаҳарчаси»нинг каттик нонини бирга татиган, сирдош-синашта жўраеси Шодиёр Тўраев ҳақидаги хотираларини «Ҳаёт дарсини бериб кетди», деб номлагани ҳам бежиз эмас. Китобдаги ҳар бир воқеа, ундаги одамлар ўқувчи-китобхон учун ҳам ўзига хос ҳаёт дарси бўлиши, шубҳасиз.

Бобожон бобо шундай фикрлайди: «Доридармон бериб, ухлатаман бу чолни деб ўйлаяпсан-да, қайда, бу кўзларга тупроқ тўлсагина китоб ўқишдан тўхтайдими, қизим. Бир кун дейсанми? Ярим соатни айт, ўқимасам ўлиб қоламан...»

бир қарашда, холос... Мисол учун муаллиф ҳаётида учраган инсонлардан бири Бобожон бобо шундай фикрлайди: «Доридармон бериб, ухлатаман бу чолни деб ўйлаяпсан-да, қайда, бу кўзларга тупроқ тўлсагина китоб ўқишдан тўхтайдими, қизим. Бир кун дейсанми? Ярим соатни айт, ўқимасам ўлиб қоламан...»

Ҳаётда бу каби фикрлайдиган, шунга аввало, ўзи амал қиладиган, шу асосда яшай-

ўрин олган. Турли йилларда бир катор муассасаларда фаолият юритган журналистнинг уй, оила, қавм-қариндошлар, ишхона ва ҳамкасблар, устозлар, ижодий сафарлар, сихаттоҳлар, қабристон... каби кўплаб манзил-маконларда кечган воқеалар атрофидаги ўй-хаёл, кечинмаларига гувоҳ бўлаемиз.

Шулар орасида оилада кечган нозик бир муносабат эътиборни тортади. Уйига

ЯНГИ НАШР

Халқнинг эҳтиёжини инобатга олиб, беш жылдан иборат «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг янги наشري чоп этилди.

ТИЛ ҚОМУСИ

Маъмур лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташаббуси билан амалга оширилди. Ушбу луғат Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг бир гуруҳ олимлари томонидан тайёрланган. Янги наشر ўзида 80 мингдан ортиқ сўзни жамлайди. Улар ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган сўз ва сўз бирикмалари, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид ҳамда тарихий атамалардан иборат.

Луғат бойлигимиз тилимизнинг ранг-баранглиги, ифода имкониятлари кенглигини намойиш этади. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да тилимизда қадимдан мавжуд бўлган, бугунги кунда нисбатан кам ишлатилаётгани сабабли унутилиб бораётган бебаҳо туркий сўзларимиз ҳам ўрин олган. Аслида умуммиллий туркий тилга мансуб бўлса-да, ҳозирда турли сабаблар билан шевага хос сўз сифатида қаралаётган сўз, бирикма ва ибораларни яна нутқимизда қайта тиклаш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди. Бу каби ишларни амалга ошириш учун тилимизнинг илмий-назарий



асосларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Луғатлар устида ишлаш, оммага турли соҳаларга оид луғатлар яратиб бериш эса, ана шу фаолиятнинг бир қисmidир.

Соҳа вакилларининг айтишича, яқин истиқболда «Халқаро термин-элементларнинг изоҳли-иллюстратив луғати», «Ижтимоий-сиёсий атамаларнинг изоҳли луғати», «Ўзбек тилининг имло луғати», «Ўзбек тили синонимлари луғати», «Ўзбек тили синонимларининг катта изоҳли луғати», «Ахборот технологиялари атамаларининг изоҳли луғати», «Тарих атамаларининг изоҳли луғати» сингари 20 дан ортиқ илмий ва амалий қўлланмалар босмадан чиқади.

ОЗОДЛИК ИСТАГИ

«Омон қорақошнинг неварасимисан?...» – деб кампирлар каттаотамга ошқора қарай олишмаганининг ҳиссасидан чиқмоқчидек менга суқланиб қарашарди...

Чўпонлар ёзининг жазирама кунларида ҳам чопон кийишарди. Каттаотам подани ҳайдаб кетишдан олдин чопон кияр, чопонининг этагини елкасигача қайтариб олиб, ичига мени ўтқазиб оларди. Чопон ичига каттаотамнинг катта елкаларини қучганча кирларни томоша қилиб кетардим. Каттаотам туйтук деган ўсимликнинг илдизини ердан қавлаб берарди, уларни майда тишларим билан чайнашимни завк билан қузатиб ўтирарди.

Бўйлари баянд шу одам бир куни гурсиллаб йикилди... ва бошларини ёстиқдан кўтаролмай қолди. Мен эса яқинига йўлмай, игна ютган итдек типирчилаб уйни айланаверардим.

...Бир куни уйимизни айриликнинг аламли фарёди тутди. ...Намозшомада пода қайтаётганда кўтариладиган гуррос-гуррос чангини кўрганимда хотиралар кўчиб, дарди-дунёمنى соғинч ғами қоплаб олади. Каттаотамнинг кенг елкалари тафти, чопонининг қадрдон иси, туйтук таъминни хис қиламан. Айриликнинг елкалари қўл етмас баянд, либоси азобнинг машаққат терлиридан қотган, мазаси ерости тупроғидек намчил ва шўрхок...

Айриликдан озод бўлгим келади. Қизиб ётган тупроққа сув сепилганда кўтарилган ҳовурдек озод бўлгим келади айриликдан.

САБОҚ

Хаётдан яхшилик изламайдиган бир кизга отаси сабоқ бериш учун ошхонага чорлади. Уч хил идишдаги қайнаган сувга картошка, тухум ва қахва донларини солди. Йигирма дақиқадан сўнг барини идишга бўшатиб, кизга юзланди:

– Қандай ўзгариш юз берди?

Қиз картошка юмшаганини, тухум қаттиқлашганини, қахва эса хуштаъм шарбатга айланганини айтди.

ЖАВОҲИР

Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

Сўнги туш

Мен, ҳар ҳолда,

Тошкентда эдим,
Хадрасида, ё Ўрдасида.

Эс-хушимдан айрилиб турдим
Кенг шаҳарнинг қоқ ўртасида.

Тонготарга боқдим-да, бирдан –
Кўкрагимни қолдим қучоқлаб.
Уфқ нега қонга беланган,
Ким осмонни кетди пичоқлаб?..



– Лекин бу билан нима демокчилигингизни тушунмадим?

– Хаёт машаққатдан иборат. Машаққатлар исканжасида картошкадай эзилиб коласанми ё қалбинг тухум каби қаттиқлашадими ё бўлмасам, қахва дончаларидек, ғамга бўйин бермай ўзингни комиллаштириб, хаётингга айрича таъм ҳада этасанми?

Қиз ўзининг ношукрлигидан уялиб қолди. Шунда ота қизининг бошини силаб:

– Хаёт хикмат излаб яшаш учун берилган. Унга қулиб боқсанг, хаёт ҳам сенга қулиб боқадди, – деди.

ИНТЕЛЛЕКТ

ЯШИЛ – ТОЗА, ОҚ – КИР

Нима яшил бўлганида тоза ҳисобланади, ок бўлганида тозалашга тўғри келади?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Телефон: 0(371) 234-91-82

Telegram: (+998 97) 444-80-84

Газетамизнинг 2020 йил 18 июнь кунги сонидан берилган саволининг жавоби: *Қози бундай касб эгаларига буюртма учун маҳсулот ёки пул берган мижозларнинг ҳақиға тажовуз бўлмалигини таъминлаш мақсадида шундай тартиб жорий қилган.*

ПАЗАНДАЛИК

«Орео» печеньееси

Шоколад бўлакчалари ва майин кремдан таркиб топган дунёга машҳур «Орео» печеньеесини нафақат дўконлардан харид қилиш, балки уй шароитида тайёрлаш ҳам мумкин.

Масалликлар: 150 гр. сариёғ; 200 гр. ун; 200 гр. шакар упаси; 1 дона тухум; 50 гр. какао қуқуни; 1 чой қошиқ қабартма (*разрыхлитель*), ванилин.

Кремнига: 150 гр. қаймоқли пишлок, 50 гр. 35 фойз ёғли қаймоқ, 30 гр. шакар упаси.

Тайёрланиши: Хона шароитида юмшаган сариёғни миксерда аралаштираман. Кейин шакар упаси, ванилин ва тухум қўшиб, аралаштиришда давом этаман. Алоҳида идишга эланган унга какао, қабартма



ва туз қўшиб аралаштирилади. Унли аралашмаини аста-секин ёғли қоришмаини қўшиб, хамир қорамиз. Хамир қўлга ёпишмайдиган, аммо юмшок бўлиши керак.

Хамир ёйилиб, ундан кичкина думалок шакллар кесиб олинади. Лист усти ёғлини, зарқоғоз билан қоплангач, печеньеелар тахлаб чиқилади. 180 даражада қиздирилган газ печида 12-15 дақиқа мобайнида пиширилади.

Кремни тайёрлаш учун қаймоқ, қаймоқли пишлок ва шакар упаси қуюқлашиб ҳажми кўпайгунга қадар аралаштирилади. Крем маҳсул кандолат қопчасига солиниб, музлаткича ярим соатга қўйилади. Совиган икки печеньеени ўртасига

крем сурилади ва бир-бирига ёпиштирилади. Ёқимли иштаҳа!


Латифалар

Бир эркак бозорга бориб тарвуз сотиб олмоқчи бўлибди. Битта тарвузни чертиб кўрибди, иккинчисини чертиб кўрибди, учинчисини... Бир пайт хотини шанғиллаб:

– Дадаси, бўлди-да энди, уйғонинг! Боядан бери бошимга чертавериб хуноб қилдингиз-ку! – деган экан.

Қандолат цехидаги эълон: «Қанд касали борларни ишга қабул қиланми?».

Изоҳи сиздан...



Махмуд Эшонкулов чизган сурат.

OILA
DAVRASIDA
Masthead oila — yurt tayanchi
Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси таҳририяти маъсулияти чекланган жамияти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабан».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси боғамасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

Хусниддин

БЕРДИЕВ

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-737

ISSN 2181-6190

Авади: 1 652 нуسخа.

Нархи: келишув асосида.

Копчи бичими А-3, ҳажми: 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилган.

Чоп этишга тошхирлиди: 20:00

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРАЛАБ...



Жасур Кенжибоев
34

Одамият

Анчадан бери ўйлаб, ният қилиб юриб, кимнидир хурсанд қилмоқчи бўласан. Ўша кун, ўша соат келади ва ниятингни амалга ҳам оширасан. Жуда катта ички қониқиш ва мамнулик билан қиласан буни. Ва ўйлайсанки, ҳозир у хурсандликдан еттинчи осмонга чиқиб кетади...

Аммо, аммо, у ўз таъвиши билан, ўз муаммолари гирдобиди, хафақон, сенинг кўнгили ҳаляндан дили ёришмайди...

Унинг кайфияти сенга юқади...ва афсусланасан. Бундан кейин бировга яхшилик қилгинг, хурсанд қилишга урингинг келмай қолади...

Одамзодни хурсанд қилиш осон эмас. Баъзан азоб... Одам ўзинга берган сўзинг тезда унут бўлади... Одамзод шунақа телба, тез унутувчан...



Отабек Нуритдинов
46 мин.

«Бу менинг – кўрғоним»

Эрталаб туриб ташқарига чиқсам, беш ёшли қизим ортимдан югуриб қичди. Қўлга човунни олиб олдимда турибди. Бет ювгани сув қуйиб бермоқчилигини билиб, қўл тутдим. Юзимни ювиб ичкарига киришимда, олдимга тушиб югуриб кириб сочикни олиб узатди. Доим шундай пайтларда мактаб қўяман. Раҳмат айтаман. Қизларимга «сиз» деб гашираман. Бир куни тонг саҳарда азонни эшитиб, ухлаётган жойидан туриб, онасини «туринг, азон айтляпти» деб турғизибди. Азоннинг овозини эшитишса, телевизорни ўчиришади, гаплашишни тўхтатишади, тик турган ёки ётган бўлса, ўтириб олишади. Доим бирон жойга ўтирсам, орқамга болиш кўтариб келади, шошилинчда ерга ўтирсам, ўрнимдан турғизиб тўшак солади.

Катта қизим 7 ёшда. Россияда туғилган, уч йилдан зиёд ўша ерда яшаган. Синглиси опасидан ўрناق олишга ҳаракат қилади. Опаси эса онасидан. Ҳозирда катта қизим азонни эшитса «вой, азон айтиляпти, таҳорат олиб намозимни ўқишим керак», деб югуриб кетади. Эрталаб турганимда, қизларим доим уйғонган бўлишади. Онаси шундай тарбиялаган. Аёл киши эркакдан олдин уйғониши кераклигини хозирдан уқтиради. Кеча кечки овқатга 7 ёшли қизим ўзи чаллак пишириб, пишганини дастурхонга тортиб турди. Дастурхон бошида ўтирсак, дадам бошласин, деб қараб ўтиришади овқатни бошлаганимга қадар. Энг охирида беш ёшли қизим бошлади, опаси бошлашини кутиб.

Қуш иниди кўрганини қилади, деган гап бор эскилардан қолган. Онаси қандай ҳурмат-эҳтиром кўрсатса, фарзандлар ҳам шуларни кўриб улғаяди. Қизларимни сўкмайман, танбех беришимнинг ўзи сўкишдай. Катталарни кўришса, «Ассалому алайкум!» деб саломлашишади, катталарни ҳурмат қилишади. Ҳеч қачон ёнимда кийим алмаштиришмайди, кичик бўлишларига қарамай. Ҳозирдан ибодат-хаёт деган тушунчага эга. Тирноққа лак ёки лаббўёқ қўйишни хозирдан уят деб билишади, бирон тенгқури кўйганини кўришса ҳайратланишади. Бир сафар кичик қизимнинг бармоқларига кимдир лак қўйиб қўйган экан, бир кун мендан беркиниб юрган, уялганидан.

Ўзим ёки фарзандларим қасрда туғилганимиз муҳим эмас. Муҳими — қадриятларимизни, инсонийликни, фаросатимизни йўқотмаганимиз.

ISSN 2181-6190



123456